

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:668.562:338.45:67/68

Умаркулов Абдувосит Абдураззак ўғли

Енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари
(“ASTERA-TEXTILE” МЧЖ мисолида)

5A230201 - Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)

Магистр академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация

Илмий раҳбар: Ходжамуратова Г.Ю.

Тошкент – 2019


Ушбу диссертация ишида енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш йўллари тадқиқ этилди. Тадқиқот объекти бўлган “ASTERA-TEXTILE” маъсулияти чекланган жамияти рақобатбардошлигини ошириш йўллари бўйича илмий-амалий тавсиялар ишлаб чиқилди.

In this dissertation work, the ways to increase the competitiveness of light industry enterprises were investigated. The scientifically-practical recommendations on improving the competitiveness of “ASTERA-TEXTILE” LLC, which is the object of research, have been developed.

Магистрлик диссертация иши “Менежмент” кафедрасида дастлабки ҳимоядан ўтган.

_____ 1 - сонли баённома « 18 » май 2019 й.


Кафедра мудири Н.Қ.Йўлдошев


имзо сана


Илмий раҳбар: Г.Ю. Ходжамуратова


имзо сана

Такризчи: Т.К.Агламова


имзо сана

Магистрант: А.А.Умаркулов


имзо сана

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
I боб. Корхона рақобатбардошлигини оширишнинг назарий асослари.....	8
1.1. Корхона рақобатбардошлиги тушунчаси мазмуни ва моҳияти.....	8
1.2. Корхона рақобатбардошлигини белгиловчи омиллар.....	16
1.3. Корхона рақобатбардошлигини баҳолаш усуллари.....	23
I боб бўйича хулоса.....	31
II “ASTERA-TEXTILE” МЧЖ қўшма корхонаси рақобатбардошлиги таҳлили.....	32
2.1. “ASTERA-TEXTILE” МЧЖ қўшма корхонаси ташкилий-иқтисодий тавсифи.....	32
2.2. “ASTERA-TEXTILE” МЧЖ қўшма корхонаси молиявий-хўжалик фаолияти таҳлили.....	39
2.3. “ASTERA-TEXTILE” МЧЖ қўшма корхонаси рақобатбардошлигига таъсир этувчи омиллар таҳлили.....	44
II боб бўйича хулоса.....	52
III “ASTERA-TEXTILE” МЧЖ қўшма корхонаси рақобатбардошлигини ошириш йўллари.....	54
3.1. мавқеини яхшилашда рақобат стратегиясини шакллантириш.....	54
3.2. “ASTERA-TEXTILE” МЧЖ қўшма корхонаси рақобатбардошлигини оширишда хорижий тажрибадан фойдаланиш.....	61
III боб бўйича хулоса.....	71
Хулоса	72
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	76

Кириш

Диссертация мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги. Мамлакатимизда барқарор ва самарали иқтисодиётни шакллантириш борасида амалга ошириб келинаётган ислохотлар бугунги кунда ўзининг натижаларини намоён этмоқда. Мамлакат иқтисодиётини модернизациялаш шароитида корхоналар ва тармоқларни рақобатбардошлигини ошириш муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини маҳорат билан бошқаришга боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан қабул қилинган “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармонида “... мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишларида миллий иқтисодиётнинг етакчи тармоқларини модернизация ва диверсификация қилиш ҳисобига унинг рақобатбардошлигини ошириш масаласи туради¹. Мазкур вазифаларнинг самарали бажарилиши енгил саноат корхоналари рақобатбардошлигини ошириш борасидаги ишларни жадаллаштиришни талаб этади.

Ўзбекистонда енгил саноат иқтисодиётнинг муҳим тармоғи ҳисобланади. Республикада тўқимачилик, ип йиғириш, тикувчилик, трикотаж, пойабзал ва ипакчилик соҳаларида 10 мингга яқин йирик ва кичик корхоналар, шунингдек, 400 дан ортиқ қўшма корхоналар самарали фаолият юритмоқда. Тармоқда 150 минг киши иш билан банд. Бироқ, Ўзбекистоннинг жаҳон тўқимачилик ва кийим экспортидаги улуши эса атиги 0,3 фоизни² ташкил этмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли фармони 1-илоvasи «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси» Lex.uz

² 4Market Analysis and Research, International Trade Centre (ITC). List of exporters for the selected product Product: 59, 60, 61, 62, 63. 2017. <http://www.trademap.org/>